

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

Кўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 330.101.542 (575.1)

УМАРОВ ИЛҲОМЖОН ЮЛДАШЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**
(Андижон вилояти мисолида)

Ихтисослик: 08.00.03—“Индустриал тармоқлар иқтисодиёти”

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент -2009

Диссертация иши Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори
Муфтайдинов Қиёмидин Ҳамдамович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Икрамов Мурат Акрамович;

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Исмаилов Омилхон Шукуриллаевич.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.015.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «___» _____ соат___ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100060, Тошкент ш., Боровский кўчаси, 5-уй. Тел.233-14-78.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институтининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «___» _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод фанлари
номзоди, доцент

Г.П.Ғуломова

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, мулкый муносабатларни такомиллаштириш, ички бозорларни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдириш ва пировардида мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини кўтариш борасида чуқур ҳамда пухта ўйланган иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бири индустриал тармоқлар иқтисодиётида прогрессив силжишларга эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “бу силжишлар озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал этишга, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасининг оширишга қаратилиши лозим”¹.

Республикаимиз озиқ-овқат саноатида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар тармоқда янги мулкый муносабатларни шаклланиши, мазкур соҳани ривожланишига алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатмоқда.

2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида озиқ-овқат саноатининг улуши 8,6 фоизни ташкил этган бўлса, Андижон вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 5,3 фоизга тенг². Хусусан, Андижон вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолини кундалик истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улуши 1999 йилдаги 7,4 фоиздан, 2007 йилга келиб 20,8 фоизгача ўсган бўлсада, бу кўрсаткичлар мамлакат ўртача кўраткичларидан паст. Бунинг сабаби, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етарли даражада қайта ишланмаётганлиги, инфратузилма тармоқларининг талаб даражасида эмаслиги, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини сустиги каби муаммолар мавжудлигидадир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, минтакаларда озиқ-овқат саноати тадбиркорлигини ривожлантириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик фаолиятининг жамият ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёжи учун зарур неъматлар яратишда унинг ўрни Вискел Г., Карлсон С., Кук Ж., Маршалл А., Смит А., Сэй Ж., Томсон В., Хоскинг А., Хизрич Р., Шумпетер Й. каби хорижлик иқтисодчилар томонидан тадқиқ этилган. МДХ мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг айрим назарий ва амалий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент, Ўзбекистон 1998, -388 б.

² Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш– барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир // –Т. Халқ сўзи, 2008, 9 феврал, №28 (4438), –2 б.

жихатлари тўғрисида Беков Р.С., Блинов А.О., Борисов С.Ф., Власова В.М., Камаев В.Д. ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги муаммоларнинг назарий асосларини ўрганиш ва унинг ечимини топиш бўйича тадқиқотлардан Абулқосимов Х., Ғуломов С., Гайбуллаев Р., Искандаров И., Икрамов М., Муфтайдинов Қ., Мусаева С., Қодиров А., Шепелев В., Исмаилов О. ларнинг изланишлари диққатга сазовор. Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий концептуал масалалари Абдҳалилова Л.Т., Азларова М.М., Зиявутдинова Н., Мақсудов Т.И., Новикова А.М., Носиров Б.З., Прохорова Н.Т. ва Турсунходжаев М.Л. ларни илмий ишларида таҳлил қилинган. Бироқ, ушбу тадқиқотларда кейинги йилларда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, рақобат муҳитининг кескинлашуви, инвестициялар оқимини кучайиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам ортиши каби масалаларига етарли даражада эътибор берилмаган. Шу сабабли, мазкур диссертация ишида озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича мунозарали масалаларнинг ечимини топишга, уларни алоҳида вилоят мисолида ўрганиш, таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Андижон вилоятининг “Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий-техник комплекс дастурини бажариш бўйича Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий изланишлар дастурига киради. Шунингдек, мазкур иш республикамізда олиб борилаётган тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги муҳим **вазифалар** белгилаб олинган ва ҳал этилган:

-Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг шакллари ва унинг ривожига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

-озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

-озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш услубларини ўрганиш ва такомиллаштириш;

-Андижон вилоят озиқ-овқат саноати тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш;

-тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришда мақбул инвестиция муҳитини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмалари тизими ва уларни такомиллаштириш;

-озик-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболини миқдорий кўрсаткичларда белгилаш.

Тадқиқот объекти - Андижон вилояти озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари.

Тадқиқот предмети – тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш механизмлари.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишида илмий абстракция, қиёсий таққослаш, маълумотларни гуруҳлаш, миқдорий таҳлил, динамик қаторлар ҳамда иқтисодий математик моделлаштириш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси– озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун муқобил давлат бошқаруви, қулай инвестицион муҳит, ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасига таъсир этувчи омилларга илмий асосланган назарий хулосалар бериш ва методологик аҳамиятга эга таклифлар ишлаб чиқиш.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

–озик-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

–эконометрик моделлаштириш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини истиқболдаги истеъмол даражаси аниқланган;

–озик-овқат саноатида инвестиция муҳитини яратиш бўйича тавсиялар берилган;

–вилоят озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларига қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

-иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари қиёсий таҳлил қилинган ҳамда тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчаларига муаллифнинг таърифи берилган;

-озик-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

-озик-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш моделлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

-озик-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестицион муҳитни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

-Андижон вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг истиқбол кўрсаткичлари эконометрик таҳлил асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий ишдаги назарий қоидалар, ишланмалар ва амалий тавсиялар озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади, улардан маҳаллий ҳудудларда озиқ-овқат саноати тузилмаларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик

субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истъемолининг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг назарий хулосаларидан «Иқтисодиёт назарияси» ва «Микроиқтисодиёт» фанларининг айрим мавзуларини ўрганишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси (2006 йил 24 июндаги далолатнома), Андижон вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси (2008 йил 20 октябрдаги далолатнома) томонидан амалиётда фойдаланиш учун ҳамда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти томонидан (2008 йил 15 февралдаги далолатнома) “Иқтисодиёт назарияси”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”, “Микроиқтисодиёт”, “Корхона иқтисодиёти” фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий семинари мажлисида, ЎзР ФА Иқтисодиёт институтининг Муаммовий Кенгаш йиғилишида ҳамда Наманган муҳандислик-педагогика институтида муҳокамалардан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари қуйидаги ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён қилинган: - «XXI аср фани: муаммолар ва ечимлари». -Андижон, 2003; «Ўзбекистон иқтисодиёти: ривожланишнинг янги босқичидаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари» - Андижон, 2004; «Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларининг минтақавий ечими». -Фарғона, 2005; Девятнадцатые международные Плехановские чтения -«Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия». – Москва, 2006; «Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиш масалалари». -Андижон, 2006; “Иқтисодий тизимнинг барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш муаммолари”. -Андижон, 2006; “Роль партнерства в развитии предпринимательской деятельности между высшими учебными заведениями и производством”. -Андижан, 2007.

Натижаларни эълон қилинганлиги. Ишнинг асосий илмий ғоялари ва натижалари 4.0 б.т.да 4 та илмий мақола ва 11 та тезислар кўринишида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркибий қисми кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 150 бет, 19 та жадвал, 3 та диаграмма, 5 та расмларни ўз ичига олади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, предмети ва

объекти, тадқиқот усуллари, тадқиқот гипотезаси, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгиликлар, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, синовдан ўтиши, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Тадқиқот ишининг **биринчи бобида** Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг шакллари ва унинг ривожига таъсир этувчи омиллар, озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш услублари тадқиқ этилган. “Тадбиркор” ва “тадбиркорлик” тушунчаларига берилган кўплаб таърифларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ҳар бир таъриф муаллифнинг ёндашуви ва қарашларини акс эттиради. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобат муҳитини кескинлашуви, дастлабки капитални шакллантиришни қийинлиги, замонавий ишлаб чиқариш технологияси ва хом-ашё таъминотидаги муаммоларни эътиборга олиб, фақатгина мавжуд капитал ва ресурслардан унумли фойдалана олган шахсгина ҳақиқий тадбиркор бўлиб шакллана олади дейиш мумкин. Шунинг учун диссертацияда тадбиркор тушунчасига ўзига хос янгича ёндашув асосида таъриф берилган: *тадбиркор - иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланувчи ҳамда муайян иқтисод ва ишбилармонлик хусусиятига эга бўлган фаол шахсдир.*

Ушбу таърифнинг ўзига хос янгилиги шундаки, тадбиркорлик сармояси ва иқтисодий имкониятлари кўпчиликда мавжуд бўлиши мумкин, лекин ундан унумли фойдалана олиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Демак, хусусий ёки бошқа турдаги мавжуд сармоядан унумли фойдалана олган инсонгина ҳақиқий тадбиркор бўлиб етишади ва кишиларни иш билан таъминлаб, аҳоли бандлигини оширишга таъсир қила олади.

Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик шакллари давлат тадбиркорлиги ва хусусий тадбиркорликка ажратиб кўрсатилади. Тадбиркорлик фаолияти шаклига кўра турли хил бўлиб, у якка тартибдаги, оила, ҳиссадорлик жамиятлари, кичик бизнес ва давлат мулки асосидаги тадбиркорлик турларига бўлинади. Фаолият кўрсатиш соҳаларига кўра савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаси тадбиркорлиги мавжуд.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амал қиладиган тадбиркорлик шаклли бу - ўзининг тассаруфидаги ер майдонидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари дир. Саноат ишлаб чиқаришида тадбиркорлик шакллари турлича бўлиб, асосан кичик корхоналар, микрофирмалар, очиқ ёки ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари тадбиркорлиги кўпроқ тарқалган. Йирик саноат корхоналари давлат тасарруфида қолган, лекин уларда мулк тақсимоли аралаш шаклга эга.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг амал қилиш шакллари бўйича республикада қатор олимлар ўзларининг фикрларини билдирганлар. Жумладан, В.Чжен тадбиркорлик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шакллари куйидагича тавсифлайди: -хусусий ёки якка тартибдаги тадбиркорлик,

кооперативчилик ҳаракатидаги тадбиркорлик; -ижара ва жамоа хўжаликларида тадбиркорлик; -хиссдорлик жамиятларида тадбиркорлик ва қўшма тадбиркорлик³.

Тадбиркорлик тушунчаси ҳақидаги назарий қарашлар ёндашувлар, таърифлардаги турфа хилма-хилликлар ҳақида тадбиркорлик фаолиятини республикадаги шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ *“тадбиркорлик- фойда олишга қаратилган, аниқ мақсад ва муддаоларни ифодаловчи ва таваккалчилик асосида амалга ошириладиган, фаолиятдир”*.

Ишда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига оид таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Андижон вилоятда меҳнат ресурсларини янги иш ўринлари билан таъминлашда унинг ўрни янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда бу соҳада меҳнат қилаётган ишчи ходимлар сони ҳам сезиларли даражада кўпайиб бормоқда (1-Жадвал).

1-Жадвал.

Андижон вилояти озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ходимларнинг йиллик ўртача сони (киши)

Кўрсаткичлар	1999	2001	2003	2005	2007
Озиқ-овқат саноати	8148	7261	8889	8001	8645
Шу жумладан:					
Хиссдорлик жамиятлари	7138	6542	5243	3855	2124
Қўшма корхоналар	722	649	635	204	127
Кичик корхоналар	-	-	1157	1373	1857
Микрофирмалар	278	70	525	815	1211
Якка тартибда ва лицензиясиз фаолият кўрсатувчилар	-	-	1329	1617	3245
Ёрдами хўжаликлар	-	-	-	137	81

Манба: Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Агар, 1999 йилда озиқ-овқат саноати корхоналарида 8148 нафар ишчи ходим ишлаган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8645 нафарга етди. Шунингдек, хиссдорлик жамиятлари ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар 2007 йилда 2124 нафарни, қўшма корхоналарда 127 нафар, кичик корхоналарда 1857 нафар, микрофирмаларда 1211 нафар, якка тартибда ва лицензиясиз фаолият кўрсатувчиларда 3245 нафар ҳамда ёрдамчи хўжаликларда эса 81 нафарни ташкил этган. Бу даврда озиқ-овқат саноати корхоналарида банд бўлганлар сони 6,1 фоизга ошган. Юқорида келтирилган рақамлар тадбиркорлик фаолияти, озиқ-овқат саноатида муҳим ўрин эгаллаб бораётганлигидан далолат беради.

Илмий ишда озиқ-овқат саноати тадбиркорлигини ривожланиш хусусиятларини атрофлича таҳлил этилиб, уларни ички ва ташқи хусусиятларга бўлиш мумкин. Ташқи хусусиятларига:

³ Чжен В. Бозор қонунияти асослари. –Тошкент: 1996, -221 б.

-ўзбек халқининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мойиллиги, бой тажрибага эга эканлиги асосида мавжуд товарлар намунасини яратиш ҳамда уларни ривожлантириш;

-тадбиркорлик фаолиятининг шаклланишининг давлат иқтисодий ислохотлари тизимида мос келиши;

-ҳозирда Ўзбекистон билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишга доир шартномаларнинг мавжудлиги.

Ички хусусиятларига:

-озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларига асосланиб ҳар бир иқтисодий ҳудудларнинг хом-ашё ресурсларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш;

-озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида эркин рақобат муҳитини шакллантириш, якуний маҳсулотни рақобатбардошлигига эришиш лозим;

-озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашёни қайта ишлаш қуватларининг мавжудлигини ҳисобга олиб зарур бўлган минитехнологияни озиқ-овқат саноатига кўплаб жорий этиш чораларини кўриш.

Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос муаммолари ҳам мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият олиб боришда бир томондан, жамият эҳтиёжининг чексизлиги ва айни пайтда ресурсларнинг чекланганлиги сабабли ресурслардан тежамли ва мақсадга мувофиқ фойдаланишда номутаносибликлар мавжуд. Иккинчи томондан эса, замонавий ишлаб чиқаришга кескин рақобат ва иқтисодий самарадорликни узлуксиз ошириш муаммоси таъсир қилади.

Иқтисодий адабиётларда самарадорлик мезони ва кўрсаткичларини аниқлаш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилган, бироқ, бу муаммолар бўйича ягона нуқтаи-назар учрамайди. Қатор иқтисодчи олимлар корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда умумий ва алоҳида кўрсаткичларни ўз ичига олган ягона мезон зарур деб ҳисобласалар, бошқалар фақат кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни таклиф этадилар.

Ишда ушбу саволга оид илмий-назарий қарашлар атрофлича тадқиқ этилиб, иқтисодчи О.Дашкевичнинг Жаҳон банки мутахассислари томонидан яратилган эконометрмк моделни таҳлил қилиниб, такомиллаштирилган. О.Дашкевичнинг моделидаги кўрсаткичлар таркибига кўра тадбиркорлик субъектларини сонини кўпайишига институционал ва иқтисодий кўрсаткичлар таъсир қилади. Лекин келтирилган моделда иқтисодий кўрсаткич фақат битта - аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад. Бу кўрсаткич тадбиркорлик фаолиятига тўғри пропорционал бўлиб ҳисобланса, қолган ҳамма кўрсаткичлар тескари пропорционалдир. Ушбу моделдаги кўрсаткичлар назарий жиҳатдан жуда тўғри танланган ва жойлаштирилган бўлсада, диссертантнинг фикрича тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий мазмунга эга кўрсаткичларнинг таъсири яхши эътиборга олинмаган. Ҳолбуки

тадбиркорлик субъектларини сонини ўсиши нафақат институционал, балки иқтисодий кўрсаткичларга ҳам бевосита боғлиқ. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш орқали ўрганиш ҳам мумкин.

Мана шу назарий қарашни асослаш мақсадида юқоридаги модел асосида бир қатор омилларни математик моделлаштириш услубида исботланган. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш мақсадида моделдаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткични, тармоқдаги ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи билан алмаштирилган. Тармоқдаги ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш учун истеъмолчилар сони, аҳоли даромадлари, бандлик, нарх-наво, солиқлар, инфляция даражаси каби кўрсаткичлардан фойдаланилган ва ишлаб чиқариш ҳажмига бўлган таъсири корреляция усулида баҳоланган. Моделнинг умумий кўриниши қуйидагича:

$$\begin{aligned} \ln(Q) = & \beta_0 + \beta_1 * \ln(\text{POP}) + \beta_2 * \ln(\text{GDP/POP}) + \beta_3 * \ln(\text{Epl}) + \beta_4 * \ln(P) + \\ & \beta_5 * \ln(1 - \text{TAX}) + \beta_6 * \ln(\pi) + \mu \end{aligned} \quad (1)$$

бу ерда:

Q- ишлаб чиқариш ҳажми;

POP-истеъмолчилар сони;

GDP/POP- аҳоли даромади;

Epl - тармоқдаги бандлик;

P- тайёр маҳсулот нархи;

TAX- даромад ва фойда солиқлари;

π- инфляция даражаси;

β₀, β₁, β₂, β₃, β₄, β₅, β₆- регрессион коэффицентлар;

μ- кўрсаткичлар танланмаси бўйича ўртача хатолик.

Бозорнинг истеъмол қувватини ортиши ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайишига олиб келади. Истеъмол ҳажмини ортиши эса бозорга янги ишлаб чиқарувчиларни кириб келишини рағбатлантиради. Бу ҳолат ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келади. Бу кўрсаткичларни О.Дашкевич таклиф этган тадбиркорлик субъектлари сонига таъсир этувчи омиллар қаторига киритадиган бўлсак формулада келтирилган модел қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} ENTERP_{it} = & \beta_0 + \beta_1 * PROCED_{it} + \beta_2 * DAY_{it} + \beta_3 * COST_{it} + \beta_4 * CAPIT_{it} + \\ & \beta_5 * EPROCED_{it} + \beta_6 * EDAY_{it} + \beta_7 * ECOST_{it} + \beta_8 * Q_{it} + \mu_{it} \end{aligned} \quad (2)$$

Демак, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришини истиқболлаштиришнинг тавсия этилган услубига таъсир этувчи омиллар аҳоли даромади, истеъмолчилар сони, тармоқдаги бандлик, тайёр маҳсулот нархи, солиқлар, инфляция даражаси, истеъмолнинг рационал меъёр кўрсаткичларига нисбатан олдиндан баҳолаш орқали самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг **иккинчи бобида** Андижон вилоят озиқ-овқат саноати тармоқларида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий таҳлили, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси очиб берилган.

Диссертацияда Андижон вилояти озиқ-овқат саноати барча тармоқлари томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг саноат маҳсулотдаги улуши куйидаги кўринишда тасфирланган (1-диаграмма). Андижон вилоятида озиқ-овқат саноати маҳсулоти саноат маҳсулоти ҳажмидаги улуши 1999-2007 йиллар оралиғида 20.8 фоиздан 4.6 фоизгача камайган. Бунга сабаб, саноат маҳсулотларини ичида машинасозлик етакчи бўлганлиги ҳисобига унинг улуши ортиб кетган. Лекин озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажми саноатнинг бошқа тармоқларига нисбатан секин ўсган.



1-Диаграмма

Манба: Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Вилоятда сўнги беш йил ичида фаолият юритаётган кичик корхона, микрофирмалар, уй хўжалигида фаолият кўрсатувчилар ҳамда якка тартибда ва лицензиясиз фаолият кўрсатувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажми маълум даражада ўсган. Озиқ-овқат саноатида кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми 2003-2007 йиллар оралиғида 3,3 фоиздан 4,7 фоизга ўсган. Лекин 2004-2005 йилларда ўсиш суръати юқори бўлган ва у 8,2 ва 9,1 фоизга тенг бўлган (2-жадвал). Микрофирмалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2003-2007 йиллар оралиғида камайган, аммо 2003 йилда 1,5 фоиздан 2005 йилда 2,5 фоизгача ўсди. Лекин 2006 йилдан бошлаб кескин камайган, яъни 1,4 фоизга, 2007 йилда 1,3 фоизга тенг бўлган.

Умуман, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми хусусий сектор эвазига ўсган. Чунки ҳиссдорлик жамиятларида хусусий секторнинг улуши 2007 йилда 76,7 фоизини, қўшма корхоналар 0,9 фоизни, якка тартибда ва лицензиясиз фаолият кўрсатувчилар 12,0 фоизни ташкил этган. Бунга асосий сабаб бозорларда нон, кондитер маҳсулотлар, гўшт ва

бошқа озиқ - овқат маҳсулотларини олди-сотдиси билан шуғулланувчилар сони кўпайганлигидир.

2-жадвал.

**Андижон вилояти озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг
хусусий сектордаги улуши (%)**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2003	2004	2005	2006	2007
Озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажми	100	100	100	100	100
Шундан:					
Давлат секторда	4,5	3	2,1	1,1	0,9
Хусусий секторда	95,5	97	97,9	98,9	99,1
Шу жумладан					
Хиссадорлик жамиятлари	79,4	77,0	75,7	77,9	76,7
Кўшма корхоналар	7,0	1,5	1,1	0,9	0,9
Кичик корхоналар	3,3	8,2	9,1	4,5	4,7
Микрофирмалар	1,5	1,6	2,4	1,4	1,3
Уй хўжалигида фаолият кўрсатувчилар	2,0	2,6	3,0	2,8	2,7
Якка тартибда ва лицензиясиз фаолият кўрсатувчилар	2,2	4,3	4,7	10,7	12,0
Ёрдами хўжаликлар	-	1,7	1,8	0,6	0,7

Манба: Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бундай ҳолат озиқ-овқат саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ҳудудларида ҳам ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

1999-2007 йилларда истеъмол таркибида гўшт ва сут маҳсулотлари, полиз ва сабзовот маҳсулотлар, ун, нон ва нон маҳсулотлари ортиб борган, аммо макарон маҳсулотларини истеъмоли маълум даражада камайган. Лекин озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўрганилганда гўшт, сут, полиз ва сабзовот маҳсулотларини ишлаб чиқариши ўсган, ун, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариши қисқарган. Таҳлил натижаларига кўра, вилоятда гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1999 йилга нисбатан 2007 йилда 39,7 фоизга ўсган. Гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми занжирли ўсиш суръати бўйича 2003 йилда энг юқори ўсиш 9,2 фоизга, 2001 йилда энг кам ўсиш 0,9 фоизга тенг бўлган. Бунга сабаб гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг ўтган асрнинг 90-йилларидаги ҳолати - қорамоллар бош сонининг қисқариши, чорвачилик тармоғида харажатларнинг ортиши ва самарадорликнинг камайиши каби бир қанча салбий тенденцияларга боғлиқ бўлган. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан секин ўсиши, юқори таннарх туфайли гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келган. Лекин вилоятда 2007 йилда қорамоллар бош сони 2001 йилга нисбатан 34,2 фоизга ошган, яъни 2001 йилдан бошлаб вилоятда чорва моллари бош сонини кўпайиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари

ҳисобига бўлган. 2003 йилдан бошлаб, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бирданига ўсиш юз берган. Базис йилга нисбатан олганда 2003 йилда гўшт ишлаб чиқариш 13,2 фоизга, 2006 йилда 33,8 фоизга, 2007 йилда 39,7 фоизга ўсган. Занжирли боғланиш усули бўйича олганда гўшт ишлаб чиқариш йилига ўртача 2,71 минг тоннага ортиб борган. Таҳлил натижасига кўра, кўриб чиқиладиган даврда гўшт ишлаб чиқаришнинг ўртача нисбий ўсиш суръати 4,1 фоизга тенг бўлган.

Вилоятда тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган гўшт маҳсулотларини истеъмол ҳажми таққослама баҳоларда базис йилга (1999) нисбатан олганда 8 барабарга ёки йиллар бўйича 29,7 фоизга ошган. Шунингдек, 1999-2003 йилларда бирданига гўшт маҳсулотлари истеъмол ҳажмида 12,1 мартага ўсиши юз берган, лекин 2004 йилдан бошлаб камайиб, охиригича икки йил ичида яна кўпайган (3-жадвал).

3-жадвал

Тадбиркорлик субъектлари томонидан айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг тайм тренд усули асосида олинган таҳлил натижаси

Озиқ-овқат маҳсулотлари	$Y_t - Y_0$ База йилга нисбатан	$Y_t - Y_{t-1}$ Занжирли боғланиш бўйича	$I_p = Y_t / Y_0$ база йилга нисбатан	$I_p = Y_t / Y_{t-1}$ Занжирли боғланиш бўйича
	Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (минг т)		Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (коэффициент)	
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	9,9	2,7125	1,041	1,043
Сут ва сут маҳсулотлари	53,35	14,42	1.037	1.038
Полиз ва сабзавот маҳсулотлар	169,0	37,8	1,101	1,102
Ун маҳсулотлари	-27,25	-2,69	0.987	0.979
Нон ва нон маҳсулотлари	2,88	-1	0.971	0.975
Макарон маҳсулотлари	-1,94	-0,99	0.792	0.799
	Ялпи истеъмол (млн.сўм)		Истеъмолни ўсиш суръати (коэффициент)	
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	35494,4	5182,62	1.173	1.298
Сут ва сут маҳсулотлари	2102,91	224,97	1.019	1.196
Полиз ва сабзавот маҳсулотлар	9851,21	1534,76	1.066	1.163
Ун маҳсулотлари	10788,3	1318,47	1.061	1.154
Нон ва нон маҳсулотлари	10330,34	1224,96	1.178	1.211
Макарон маҳсулотлари	1738,95	-60,15	0.912	0.953

Манба: Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1999-2007 йилларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган гўшт маҳсулотлари истеъмол ҳажмининг ўртача нисбий ўсиш суръати 17,3 фоизга, йилларга нисбатан таққосланганда ўсиш суръати 29,8 фоизга ошган.

Андижон вилоятининг сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи йилига 446,5 минг тоннани ташкил этади. Ҳозирги кунда сут маҳсулотлари асосан ишлаб чиқарувчилар ва савдо структуралар билан тўғридан-тўғри алоқалар ёки воситачилар орқали реализация қилинмоқда. Шунингдек, вилоятда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми базис йилга нисбатан 2007 йилда 34,8 фоизга ўсган. Таҳлил натижасига кўра, кўриб чиқиладиган даврда сут ишлаб чиқаришнинг ўртача нисбий ўсиш суръати 3,7 фоиз бўлган.

Полиз ва сабзовот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми базис йилига нисбатан 2007 йилда 2,16 баробарга, ўртача ялпи истеъмол ҳажмини ўсиши базис йилга нисбатан олинганда 6,6 фоизга, йиллар кетма-кетлигига нисбатан олинганда 16,3 фоизга ўсган холос. Бунга сабаб, Андижон вилоятида охириги йилларда деҳқон ва фермер хўжаликларида мева етиштириладиган боғ майдонлари қисқариб бораётганлиги туфайлидир. Жумладан, 2000 йилда барча хўжалик тоифалари бўйича мева етиштириладиган боғлар майдонлари 22 минг гектардан, 2006 йилда 18,3 минг гектарга тушиб қолган. Айниқса, меванинг ялпи ҳосилида салмоқли 82,4 фоизлик улушга эга бўлган деҳқон хўжаликлари майдонлари шу йилларда мевачиликда 12 минг гектардан 8,6 минг гектаргача ёки 28,3 фоизга қисқарган.

Диссертант озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментидаги ўзгаришларни Андижон вилоятидаги ҳолат бўйича таҳлил этиб унинг объектив ҳамда субъектив сабабларини чуқур тадқиқ этилган. Ишда кўрсатилганидек, вилоятда ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2007 йилда 15,8 фоизга қисқарган. Бунга сабаб, вилоятда барча хўжаликларда 2007 йилда 538,0 минг тонна буғдой етиштирилган. Шундан, 98,0 минг тоннаси уруғлик бўлиб, қолган 440,0 минг тоннаси товар буғдойни ташкил этади. Шу билан бирга, етиштирилган буғдойнинг 280,0 минг тоннаси фермер хўжаликлари ва аҳолининг қўлида қолган. Ундан 210,0 минг тонна ун ишлаб чиқарилади. Андижон вилояти аҳолисининг ун маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжи 220,0 минг тоннани ташкил этади. Бундан ташқари, Россия Федерациясидан вилоятда етиштирилган мева-сабзавот экспорти эвазига “Матлуботсавдо” АК томонидан 1,5 минг тонна, “Андижонгўшт-сутсавдо” ОАЖ томонидан 3,0 минг тонна, тадбиркорлар томонидан Қозоғистон ва Россиядан 10,0 минг тонна, жами 14,5 минг тонна ун қўшимча импорт қилинган¹.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш базис йилига нисбатан 2007 йилда 18,3 фоизга камайган. Умуман, нон маҳсулотларини ялпи истеъмол ҳажми ўсган, лекин занжирли ўсиш суръати бўйича 2007 йил кўрсаткичига нисбатан энг юқориси 2001 йилда 71,9 фоизга ошган. Ялпи истеъмол ҳажмини ўсиши базис йилга нисбатан олинганда 17,8 фоизга, йилларга нисбатан олинганда 21,1 фоизга ошган.

¹ Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотларидан олинган.

Бунга асосий сабаб-аҳолини тўловга қобилияти пастлиги ҳамда ўрнини босувчи маҳсулотларни кам истеъмол қилишидир.

Учинчи бобда, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришда мақбул инвестиция муҳитини яратиш, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмалари тизими ва уларни такомиллаштириш, озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари ўрганилган. Келажакда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш қуйидаги омилларнинг таъсирига боғлиқ бўлади:

-тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини янада енгиллашуви;

-истеъмол ҳажмини ортиб бориши натижасида тармоқ маҳсулотига талабни кучайиши ва бозор инфратузилмасини такомиллашуви;

-тадбиркорлик субъектларини молиявий барқарорлигини кучайиши ва тижорат кредитидан фойдаланиш имкониятини ортиши.

Ишда Жаҳон банки мутахассислари томонидан яратилган эконометрик модел асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини қисқа муддатли давр учун прогнози ишлаб чиқилган. Шунингдек тадқиқот натижасига кўра, кўрсаткичлар қийматларидаги ўзгаришлардан келажакда тадбиркорлик субъектларини сонини ортишига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида қуйидаги хулоса ва фикрларни қилиш мумкин. Моделда келтирилган 8 та кўрсаткичдан фақатгина учтаси – яъни процедуралар сони, бошланғич капитал ҳажми ва суддаги низоларни ҳал қилишга сарфланадиган маблағлар ҳажми тадбиркорлик фаоллигига энг кучли таъсир кўрсатади. Регрессия коэффицентлари қўйилгандан кейин моделнинг кўриниши қуйидагича:

$$ENTERP = 199 - 201,9 * PROCED + 9,6 * DAY + 1,2 * COST + 12,2 * CAPIT + 32,3 * EPROCED + 1,2 * EDAY - 39,4 * ECOST + 4,03 * Q + m$$

4-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаоллигини оширишни
прогноз кўрсаткичлари**

Йиллар	ENTERP	PROCED	DAY	COST	CAPIT	EPROCED	EDAY	ECOST	Q %
2003	237,5	9	35	17	21,9	35	368	18,1	92,4
2004	268,6	9	35	15,5	20,2	35	368	18,1	105,7
2005	295	8	29	14,1	20,2	42	195	22,2	112,2
2006	350	8	29	14,1	24,7	42	195	22,2	112,2
2007	372	7	13	14,2	25,3	42	195	22,2	103,8
2008	409,7	6,7	13,2	12,9	25,8	45,5	108,5	24,2	114
2009	444,8	6,2	8,2	12,2	27	47,6	56,6	25,5	117
2010	479,8	5,7	3,2	11,5	28,1	49,7	4,7	26,7	119,9

Манба: Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Биринчидан, юқорида ажратиб кўрсатилган учта энг муҳим кўрсаткич миқдорини бир фоизга камайтирсак, тадбиркорлик субъектлари сони сезиларли даражада ортиши кузатилмоқда. Иккинчидан, жадвал кўрсаткичларига кўра, процедуралар сони 6,7 дан 5,7 гача пасайиши

ҳисобига рўйхатдан ўтиш учун сарфланадиган куни сони ҳаражат ва унинг қиймати кескин камаймоқда. Бу кўрсаткич DAY миқдорида олинганда 13,2 дан 3,2 гача камаймоқда, EDAY ҳисобидаги қиймати эса 108,5 дан 4,7 гача қисқармоқда. Демак, процедуралар сонидаги ўзгариш тадбиркорлик субъектларининг сонини ўсишига асосий таъсир қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, процедуралар сонидаги камайишидаги ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари ялпи сонини ўсишига ижобий таъсир қилсада, лекин прогноз бўйича у кейинги йилларда ўсиш суръатини бироз пастрок суръатларда ўсишига олиб келмоқда. 2008 йил кўрсаткичи 2007 йилга таққосланганда тадбиркорлик субъектларининг сони 1,10 фоизга ўсмоқда, мутлақ сони эса 37,74 минг донага ортмоқда. Кейинги 2008 ва 2009 йиллар кўрсаткичи таққосланганда бу кўрсаткичлар ўз навбатида 1,08 фоизни, абсалют кўрсаткичда 35,04 минг донага тенг. Бу кўрсаткичлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўрта ва узоқ муддатли даврда тадбиркорлик фаолиятини ўсишига процедуралар сони эмас, иқтисодий мазмунга эга кўрсаткичлар кучли таъсирга эга бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг яқин келажақдаги миқдорий параметрларини корреляцион-регрессион таҳлил асосида талаб тенденциясини ўрганиш асосида келгуси давр прогноз кўрсаткичлари амалга оширилган. Модел регрессион-корреляцион шаклда бўлиб, унда 6 та кўрсаткич ва регрессия коэффицентлари иштирок этади (5-жадвал).

5-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари		Полиз сабзавотлар		Нон ва нон маҳсулотлари		Сут ва сут маҳсулотлари	
	2008	2015	2008	2015	2008	2015	2008	2015
Ишлаб чиқариш ҳажми (минг т.)	78,5	99,5	648,4	940,0	43,8	40,3	458	569,4
Истеъмолчилар сони (минг киши)	2472,1	2695	2472,1	2695	2472,1	2695	2472,1	2695
Аҳолии даромади (минг сўм)	763,4	1344,4	763,4	1344,4	763,4	1344,4	763,4	1344,4
Тармоқдаги бандлик	8320	8366	8320	8366	8320	8366	8320	8366
Тайёр маҳсулот нархи (сўм)	5717	9658	441,3	710	363,6	582,1	414,4	674,2
Солиқлар (ТАХ)	0,08	0,05	0,08	0,05	0,08	0,05	0,08	0,05
Инфляция (π) коэффицентда	0,218	0,271	0,454	0,736	0,485	0,837	0,221	0,374


Манба: Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Асосий мақсад- ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омилларнинг таъсири натижасида келажақда 4 та турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган 9 йиллик кўрсаткичлар асосида прогнози ишлаб чиқилди. Прогноз натижаси бўйича 2008 йилга нисбатан 2015 йилда 21 минг тонна ёки 26,7 фоизга ўсаётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, полиз ва сабзавот

маҳсулотлари ҳам 291,6 минг тоннага ёки 45,0 фоизга ошган, аммо нон маҳсулотлари 3,5 минг тонна ёки 8,0 фоизга камайган, сут маҳсулотлари 111,4 минг тонна ёки 24,3 фоизга ошган. Бу омиллардан энг кўп таъсир этувчиси аҳолининг даромади, истеъмолчилар сони, тайёр маҳсулот нархи ҳамда инфляция суръатидир.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантириш унинг истеъмолини истиқболига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ишда чизикли ва ночизикли моделлардан фойдаланиб, талаб эластиклиги асосида аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни башорат кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Қуйидаги диаграммада истеъмолни прогноз кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, улар 2015 йилгача бўлган даврда истеъмолни қайси йўналишда ўзгариш мавжудлигини англатади (2-Диаграмма).

Андижон вилоятида аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни башоратлаш (кг)



2-Диаграмма

Манба: Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таҳлил натижаларига кўра Андижон вилояти бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш аҳоли жон бошига прогноз кўрсаткичлари 2008 йилда 31,9 кгни ва 2015 йилга бориб 38,3 кгни тақозо этади. Шу билан бирга, сут маҳсулотлари истеъмолини прогноз кўрсаткичи мос равишда 2015 йилда 218,4 кгни, нон маҳсулотлари эса 134,1 кгни ташкил этади. Прогноз қилинган кўрсаткичлар ичида истеъмол меъёридан юқори бўлган кўрсаткич сут маҳсулотлари бўлиб, қолганлари гўшт ва нон маҳсулотлари истеъмоли меъёр даражасидадир. Шунингдек, аҳоли истеъмоли даражасини ҳисобга олсак, даромадлар ўзгаришига боғлиқ равишда талаб эҳтиёжнинг тўйиниш даражасигача таъсир кўрсатади.

Диссертация ишининг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир илмий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

3. ХУЛОСА

Андижон вилоятида аҳолини озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ муаммоларни республикадаги жараёнга қиёсий таҳлил қилиш ушбу соҳани ривожлантириш юзасидан илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожланиши озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик фаолиятини ажралмас бир қисм сифатида қараш зарур. Жумладан, бозор институтлари тизими талабларига жавоб берадиган даражада тадбиркорлик субъектларининг ривожлантириш, қўшимча иш жойларини яратиш ҳамда иқтисодий-ижтимоий муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатиш мумкинлигини илмий-назарий таҳлил этиб бориш зарур.

2. Андижон вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг келажақдаги истиқболи кўрсаткичларини аниқлашда вақт тренд моделлари, иқтисодий математик ҳамда эксперт баҳолаш усулларида фойдаланиш тавсия этилади.

3. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни башоратлашнинг эконометрик моделлари мажмуаси ишлаб чиқилди. Ушбу мажмуа таркибан қуйидагилардан иборат: чизикли функция, даражали функция, кўрсаткичли функция, гипербола кўринишидаги функция.

4. Эконометрик моделлар мажмуасини қўллаш бўйича ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатадики, яқин келажақда Андижон вилояти бўйича гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш аҳоли жон бошига 2015 йилда 38.3 кгга, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли мос равишда 218,4 кгга, нон ва нон маҳсулотлари эса 134.1 кгга ташкил этади.

5. Андижон вилояти иқтисодиётининг истиқболи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ бўлганидан, уни янада ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларда қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш;
- озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида уларнинг моддий-техника базасини юксалтиришга алоҳида эътиборни қаратиш;
- озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ортиришда тарихий тажрибалар, миллий анъаналарга ва урф одатларга риоя қилиш, яъни аҳолининг маҳаллий имкониятларидан тўла фойдаланиш.

Тадқиқот ишда берилган илмий хулоса, таклифлардан озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, унга таъсир этувчи омиллардан ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасини оширишда самарали фойдаланиш мумкин. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлабгина қолмай, балки унинг ҳисобига иқтисодий салоҳиятини кўпайтириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигининг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Умаров И., Исақов А. Андижон вилоятида хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2004. – №3-4. – Б.56.
2. Умаров И. Валиева М. Банковские проблемы в финансировании малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. // Вопросы экономических наук. –Москва, 2005. -№3. –С.254-256.
3. Умаров И., Карамова Л., Валиева М. Тенденции развития малого бизнеса Андижанской области // Современные гуманитарные исследования. –Москва, 2005. -№4. –С.48-49.
4. Муфтайдинов Қ, Умаров И., Режапов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида. // ФДУ Илмий хабарлар. – Фарғона, 2006. -№2, – Б.13-15.
5. Умаров И.Ю. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги хусусий тадбиркорлик хусусиятлари ва уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий- ташкилий асослари // Ўзбекистон иқтисодиёти: ривожланишнинг янги босқичидаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари: илмий мақолалар тўп. -Андижон, 2004. –Б. 51-54.
6. Умаров И.Ю. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ва аҳамияти // Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларининг минтақавий ечими: Респ. илм. конф. тез. матер. 17 июн 2005. -Фарғона, 2005. –Б. 191-192.
7. Каюмов И., Айбешов Х., Умаров И. Совершенствование системы показателей деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства // Девятнадцатые международные Плехановский чтения «Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия»: Тез.докл. -М., 2006. –С. 277.
8. Умаров И. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш таҳлили // Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиш масалалари: илмий мақолалар тўп. -Андижон, 2006. –Б. 236-242.
9. Умаров И., Абдурахмонов И. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг инфратузилмавий омиллари // Иқтисодий тизимнинг барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш муаммолари: Респ. илм. конф. тез. матер. 19-20 декабр 2006. -Андижон, 2006. –Б.95-100.
10. Муфтайдинов Қ., Умаров И. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ишлаб чиқариш ва истеъмол таҳлили // Роль партнерства в развитии предпринимательской деятельности между высшими учебными заведениями и производством: Межд.науч.конф. док. –Андижон: АндМИИ, 2007. –Б. 191-196.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
 Умаров Илҳомжон Юлдашевичнинг 08.00.03 – “Индустриал тармоқлар
 иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича **“Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик
 фаолиятини ривожлантириш (Андижон вилояти мисолида)”**
 мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: тадбиркорлик, озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат бозори, озиқ-овқат саноати, ассортимент, инфратузилма, тайм тренди, тадбиркорлик фаоллиги, самарадорлик.

Тадқиқот объектлари - Андижон вилояти озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари.

Ишнинг мақсади. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишида илмий абстракция, қиёсий таққослаш, маълумотларни гуруҳлаш, прогнозлаш, индукция ва дедукция ҳамда эконометрик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: -иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари қиёсий таҳлил қилинган ҳамда тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчаларига муаллифнинг таърифи берилган; -озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари аниқланган; -озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш моделлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган; -Андижон вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг истиқбол кўрсаткичлари эконометрик таҳлил асосида аниқланган.

Амалий аҳамияти: илмий хулоса ва таклифлардан маҳаллий ҳудудларида озиқ-овқат саноати тузилмаларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истиқболли кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлик: тадқиқотчининг таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасида (2006 йил 24 июндаги далолатнома), Андижон вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси (2008 йил 20 октябрдаги далолатнома) томонидан амалиётда ҳамда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқув фаолиятида (2008 йил 15 февралдаги далолатнома) фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: озиқ-овқат саноати ва тадбиркорлик фаолиятида.

Р Е З Ю М Е

диссертации Умарова Илхомжана Юлдашевича на тему:
“Развитие предпринимательской деятельности в пищевой промышленности (на примере Андижанской области)” на соискание
ученой степени кандидата экономических наук по специальности
08.00.03 – “Экономика индустриальных отраслей”

Ключевые слова: частное предпринимательство, продовольственные продукты, рынок продовольствия, пищевая промышленность, ассортимент, потребительская корзина, инфраструктура, фактор, тайм тренд, прогнозирование, эффективность.

Объекты исследования являются предприятия пищевой промышленности Андижанской области.

Целью работы является разработка научно-обоснованных рекомендаций по развитию предпринимательской деятельности в пищевой промышленности.

Методы исследования. В рамках диссертационного исследования использованы следующие методы: научная абстракция, сравнительный анализ, группировка данных, количественный анализ, динамические ряды, а также эконометрическое моделирование.

Полученные результаты и их новизна: - дано авторское определение на понятия "предприниматель", проведен сравнительный анализ теоретических основы развития предпринимательской деятельности и предпринимательства в условиях модернизации экономики; - определены место и особенности предпринимательской деятельности пищевой промышленности; - разработаны модели и система показателей оценки эффективности предпринимательской деятельности в пищевой промышленности; - определены прогнозные показатели потребления пищевой продукции населения Андижанской области на основе эконометрического анализа.

Практическая значимость: теоретические и практические разработки служат развитию частного предпринимательства в пищевой промышленности. Эти разработки могут быть использованы местными органами управления в повышении эффективности предпринимательской деятельности в пищевой промышленности, в определении прогнозных показателей потребления некоторых видов продукции пищевой промышленности.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Основные результаты диссертационного исследования приняты к использованию Андижанским территориальным управлением Республиканской торгово-промышленной палаты (Акт приёмки от 24 июня 2006 г.), Главным управлением экономики Андижанского областного хокимията (Акт приёмки от 20 октября 2008 г.), а также Андижанским инженерно-экономическим институтом к использованию в учебном процессе (Акт приёмки от 15 февраля 2008 г.)

Область применения: пищевая промышленность и предпринимательская деятельность.

R E S U M E

Thesis of Umarov Ilhomjon Yuldashyevich on the scientific degree
competition of the philosophy of sciences in economy on speciality
08.00.03 - "Economy of the industrial branches, subject: "Development to
business activity in food industry (on example Andijan region)"

Key words: the quotient enterprise, food products, the market of the provisions, food industry, assortment, consumer basket, infrastructure, factor, period trend, forecasting, efficiency.

Subjects of research: enterprises of food industry Andijan region.

Purpose of work: is a development scientifically-motivated recommendation on development of business activity in food industry.

Methods of research: Within the framework of dissertation studies are used methods to scientific abstraction, comparative analysis, to groups' data, quantitative analysis, dynamic rows, as well as econometrics of modeling.

The results obtained and their novelty: -is given author's determination on notions "businessman", is organized benchmark analysis theoretical bases developments to business activity and enterprise in condition of the modernizations of the economy; -is determined place and particularities to business activity to food industry; -is designed to models and system of the factors of the estimation to efficiency to business activity in food industry; -is determined forecasting to factors of the consumption to food product of the population Andijan region on base econometric analysis.

Practical value: theoretical and practical developments serve the development a quotient enterprise in food industry. These development can be used by local management in increasing of efficiency to business activity in food industry, determination forecasting factors of the consumption some type to product to food industry.

Degree of embed and economic efficiency: Main results of dissertation studies are accepted to use Andijan territorial management Republican trade-industrial chamber (Act acceptance from June 24 2006), Main by governing the economy Andijan regional government (Act of acceptance from October 20 2008), as well as Andijan engineering-economic institute to use in scholastic process (Act acceptance from February 15 2008)

Field of application: food industry, the business activity.

Тадқиқотчи:_____